*Пўлат МЎМИН*

# ТУЮҚЛАР



**СУРУР**
Ҳалол ишинг олға сурур,
Бахш айлагай завқу сурур.
Ҳаром-хариш юрганларнинг —
Юзига эл қора сурур.

**КЎРАДУР**
Хаёлимни олган гулдор кўрадур,
Бошқалар ҳам ҳайрат билан кўрадур.
Кулол эрса санъатидан, ҳунардан,
Обрўй топиб яшайдур-кун кўрадур.

**ЮЗ**
Бўлар эди битта олма юз,
Лекин унда йўқ-ди шарму юз,
Одоб сақлаб юргил де унга
Шериклари айтди неча юз.

**СОЗ**
Созандалар ушлаб қўлга соз,
Айладилар торларини соз.
Шу боисдан таралган оҳанг,
Кўнгилларга қуюлади соз.

**УЯЛАР**
Тоғдан топиб олдик асал уялар,
Шеригимга яла десам, уялар.
Тотиб кўрсам, тилни ёрар мазаси,
Навбат билан мен ялайман, у ялар.

**ТОРТАРДИ**
Аравакаш юкни аввал тортарди,
Енгил бўлса оти яхши тортарди.
Йўл-йўлакай шўх қизларнинг жамоли,
Аравакаш хаёлини тортарди.

**БОР**
Баъзиларни дерлар бой ва бор,
Ундайларнинг фақат нафси бор.
Борадурган бўлсанг ёнига,
Хавотирда дейди: нари бор!

**ЭККАН**
Мерган бўлар ёйни эккан,
Буғдой олар буғдой эккан.
Яна обрўй топиб олар
Ўз айбига бўйин эккан.

**БУРУНДАН**
Кўтарилган бурундан
Барча безор бурундан.
Шундай бурун учраса
Икки юзинг бур ундан.

**ОТАР**
Бир одам бор, қаттиқ «отар»,
Дарров ётиб хуррак отар.
Хуррагини эшитсангиз
Дейсиз гўё милтиқ отар.

**МАЙЛИ**
Турар эди пиёла майли,
Дўстим деди: ичақол, майли,
Қайтиб бердим ичмасдан аста
Йўқ эди-да юрагим майли.

**ЎТҚАЗАР**
Яхши одам кўчат ўтқазар,
Дўстларига сўзин ўтқазар,
Боғ яратган боқмайди ерга,
Фароғатда умр ўтқазар.

**ЧОҒ**
Кўринса ҳам хипча-чоғ,
Аммо қалби эди чоғ.
Ошнолари келганида
Кучоқ очарди ҳар чоғ.

**СУЗАРДИ**
Йигит кўлда маза қилиб сузарди,
Гоҳо-гоҳо ёрига кўз сузарди.
Ёри сувдан чиқиб келган заҳоти
Дамлаб қўйган паловини сузарди.

**ОҚЛАР**
Барчага ҳам манзур эрур кўнгли оқлар,
Ё уларни бўёқ билан наққош оқлар?
Ким уларга бирор тухмат қилса агар,
Барчасини адолатнинг ҳукми оқлар.

**ЁЗ**
Атрофимда кезар олтин ёз,
Қалбим дейди яйра, кўнгил ёз.
Иқтидоринг етса, эй, Мўмин,
Устозлардан ўрган, туюқ ёз!

*Ислом ҲАМРО*

# БУНЧА ЭРКАСАН, КЎНГЛИМ



* * *

Мустақиллик байроқ эмас,
Мустақиллик шон эмас.
Мустақиллик онанг ёпган
Иссиққина нон эмас.

Мустақиллик мустабиддан
Олинажак бир ўчдир.
Мустақиллик қовургангдан
Ясалажак қиличдир.

Мустақиллик Тангри берган
Қиёси йўқ инъомдир.
Бисмиллода бошланажак
Буюк Ватан — Имондир.

* * *

Кўнглим.
Телба кўнглим.
Бунча эркасан?
Сенинг хархашангни кўтармас ҳеч ким.
Бизни тушунмаслар, бу боғда ахир,
Бунча далли бўлма, девона кўнглим.

Кўнглим.
Мен-ку, кўндим.
Барча шартингга.
Бошқалар кўнмайди ахир бизларга.
Сенинг нозиклигинг,
Менинг шоирлигим,
Уч пулга қимматдир, манов қизларга.

Уларга йиғлоқмас, кўнгиллар керак —
Айтса дардларини — даво топгулик.
Шоҳсуворлар керак, шоирлар эмас —
Муҳаббатдан мангу либос ёпгулик.

Кўнглим!
Мен-ку, кирдим.
Барча сўзингга.
Сен ҳам бир бор менинг айтганимга юр.
Бир йигитдай қарай шу сулув қизга,
Бир марта ўпайин шу қизни буюр!..

* * *

Осмон бунча яқин,
Ер нечун юмшоқ?
Юрагим,
Сен нега йиғламай қўйдинг?
Мен ҳам тузалдим-ов,
Далли эмасман.
Ишонмаяпсизми?
Шеър ёзмай қўйдим.

Энди қизғалдоқнинг бошини силаб,
Кўз ёши тўкмайман
Эзилса майса.

Энди чумолининг ўлими ҳеч ҳам
Кўксимга қадалмас
Мисоли найза.

Энди қишлоғимнинг тупроққўчаси
Тушларимга кириб безовта қилмас.
Бунда Ислом шаҳид...
Унинг сояси
Тўпори қишлоқни назарга илмас.

Узун тун баҳузур ухлайман энди —
Мана, шоирликни сотиб еб бўлдим.
Наҳот...
Ишонмайман ўзимга ўзим.
Наҳот...
Ўттизга ҳам кирмасдан ўлдим?

## ҚОР ЁҚҚАН КЕЧАДА

Ун элади осмон бу кеча,
Бу кеча оқарди туннинг ҳам боши.
Мен май ҳам ичмадим, шеър ҳам
ёзмадим,
Бу кеча жон берди ўн саккиз ёшим.

Етар, ахир энди, йигит жонимга,
Ўн йил остонангга бош уриб бордим.
Энди сени менмас, севгимиз урсин,
Етар, ахир ўн йил, ишққа ёлвордим.

Ё сендан, ё ишқдан қутулдим бу кеч.
Қордай оппоқ бўлдим, тутундай енгил.
Энди сен ҳам менинг хотирамдан кеч.
Энди сен ҳам ўзинг ўзингни енггил.

Фақат бешикдаги ўғлим бу кеча,
Ухламади сира, тинмади оҳи.
«Болам, кечир энди, кечиргил ахир,
Бу кеч тугади-ку, менинг гуноҳим».

Аллага кўнмади, шеър ҳам ёқмади,
Билдим, қилмишимдан бўлди норози.
«Ўғлим, ахир у қиз менга боқмади,
Ўғлим, ахир отам бўлмади рози...»

Ўз тилида недир деди, йиғлади,
Юрагимга томди кўзининг ёши.

Нохос...
Топиб олдим йўқотганимни —
Фақат тан олмоққа етмас бардошим...

## ҚАСАМ

Ҳақ десам, хато қилсам,
Ёлғонни худо билмас,
Айтма: «дунё бири кам»,
Ўлим!
Бўлган сен отам!

Туққаним, иним, оғам,
Синглим, уч мунис опам,
Кўзларида бўлсам нам,
Ўлим!
Сен бўлгин онам!

Излаганим, топганим,
Юрагимга ёпганим,
Бўлса ўзимга ғаним,
Ўлим!
Бўлгин севгилим!

Ўзим қайтсам ўзимдан,
Йўқотганим кўзимдан,
Тополмасам ўғлимдан,
Ўлим!
Бўлгин сен ўғлим!

* * *

«Асл ишқ — Айрилиқ!»
Нима десанг-де,
Менинг энг суюклим,
Эрка фалсафам.
Ҳаёт эмас ахир,
Ҳар кун сен мени,
Ҳар куни мен сени
Тинмай алдасам.

«Юрагим — қабристон!»
Нима десанг де.
Унда дафн этилган
Ишқнинг қуёши.
Кел, бир бор рост гапир,
Мен ҳам ростин дей.
Бир марта тўкмагин
Ёлғон кўз ёши.

Сен мени...
Мен сени...
Нима десанг де.
Шунча авайладик,
Алдадик шунча,
Сен ичган қасамлар,
Мен ичган онтлар —
«Содиқмиз бир бирга
Ўлгунимизча!»

Ҳаммаси уч пулдир,
Нима десанг де.
Мен билган ҳикмат шу —
«Ишқ — бу айрилиқ!»
Кетсам қарамасман
Энди ортимга,
Сен ҳам мен томонга
Боқма қайрилиб...

*ХАЙРУЛЛО*






Кўча тўла сурат.

Анчайин униққан, сарғайган суратлар.

Осмон ҳам жисмга айланади. Дарахт яланғочланавераркан, тўкилавераркан суратлар — осмон ҳам айланади жисмга. Жисмга айланган осмондан жисм (дарвоқе, номли бир нарса — «ёмғир»ёғади, «ёғади» жисмий эмас, ножисмий, шундай бўлса ҳам нимага ёғади, нимага «тушмайди», зотан ихтиёр йўқ унда, жисмда ихтиёр йўқ) барибир ёғади.

— Ўзи узоқда яшайман. Узоқда яшаганим учун ҳам масофа туйғуси бор. Узоқда яшаганим учун бор бўлган масофа туйғусини ҳар не жисмдан устун кўраман. Бир томчининг осмону-ер қадар масофани ўтамоғида дақиқа, ўша дақиқанинг мингдан бир бўлагида эса менинг узундан узоқ умрим бор. Яшайман. Бу сўзнинг манзилга мутлақо алоқаси йўқ. Чунки манзилнинг ўзи йўқ. Нисбат эса суратлар каби кўчани тўлдирган ва суратлар янглиғ хиёнаткор. Хотир мавжуд. Хотир.

Ёстиқ. Кўз. К-и-п-р-и-к-л-а-р. Иккинчи кўз киприклардан юз карра узунроқ сочлар остида. Юмуқ. Ҳарорат. Ҳарорат. Шифт. Дераза. Иситгич — қобирғасимон, орқада кўз, сочлар ва ҳарорат. Қўл, панжалари узун ва нозик, бениҳоя нозик. Яна шу тасвир, яна шу вужуд. Қуш эмассан, қанотларинг йўқ ва кечаётган туш эмас, қўшиқ эмас унинг куйлаётгани: яна баландлик йўқ, тушмаяпсан пастга эркин ва холи — шамол ва пардалар парвози, кейин хаёл, чарчаган хаёл, Шуҳратнинг сатри...

### ШАМОЛ МЕНИНГ БЕКЎЗ СЕВГИЛИМ...

— Қор ёғибди.

— ...

— Кеча уйга телефон қилувдим. Онамлар билан гаплашдим. Гаплашаётиб бир нарсани ўйладим... Сиз ҳам соғинасизми?

— ...

— Ўйладимки, ростдан ҳам манзилни йўқотиб қўйибман, худди трамвайда сизнинг зонтигингизни унутиб...

— (тонгда фақат аёл зотигина фалсафа сўқиши мумкин. Тонгда фалсафа сўқаётган аёлгина тунда... нима тунда? Тунда нима?)

— Энди нима қилсам экан? Фаррош аёл қор кураяпти, қаранг...

Ўгирилганди-елкаларидан чойшаб сирғалиб ерга тушди.

— Чой ичсак бўлармиди?

Нима ҳақда ўйлади ҳозир? Фаррош аёл, манзил, уйи ва бирдан ЧОЙНАК! Юзига қалқиб чиқди оғриқ. Ошхонага чиқди. Ўрнидан турди. Беғуборхона... Сув. Сочиқ. Столнинг устида кулдон. Кулдонда ҳурматли қолдиғ.

Аёл чойнак кўтариб кирди.

Файласуф аёл.

— Нон қотиб қолибди.

Чой. Нон. Талабаликнинг тугаганига эса тўрт йил бўлган. Ёши ўзидан улуғ жавон. Жавонда эса китоблар ва расм. Ўзининг расми.

— Бугун уйга кетаман.

— Неча кунга?

— ...

— Қачон қайтасан?

— ...

(«Ҳеч қачон» деган сўзда мутлақолик борми? Йўқ. У шундай деб ўйлаяпти. Мутлақлик бор деган умид. Бузамиз. Ҳечқачон, ҳечқачон, ҳечқачон ҳечқачон... Бузолмадик!)

Кўчада тип-тиниқ тиниқлик муаллақ эди. Оёқ товушлари, суратлар тўкилиши, ҳайкал жимлиги, уйларнинг ўйлари, қуёшнинг илк нурлари, ернинг сукути — тиниқ. Чақалоқ йиғиси. Биринчи йўловчилар. Уйқуга тўйган ва тўймаган кўзлар. Тамакининг тутуни. Машиналар. Трамвай, троллейбус, метро — йигирманчи аср сўнггидаги фарёдга омухта осмон оғирлиги. Тилка-пора. Парчалар, зарралар, кўзилғамасзарраларо қими. Дунё изоҳ.Изоҳнинг нисбат тоши эса йўқ. Тошбақа боласи ҳақида шеър. Тонг эса барибир кетди. Савол ортиқча. Савол доим учинчи манзил.

«Ҳеч қачон». Бузилмаган. Тонг кетди. Тонгда...Одамлар. Сўзлар: 1 Еб бўлар

2. Еб бўлмас

Сўзлар озод. Озодлик ичингда. Ичингдаги озодлик ҳаракатсиз. Чунки уйга кетаяпсан. Қайтаяпсан. Чарчоқ. Уйда тонг йўқ. Тунда Тонг йўқ. «Йўқ»да лаззат бор. «Лаззат» борда йўқ. «Дунёни бошқача кўришга интилган одам шайтон». Ўнггини кўриб бўладими? Кўриб бўладими тескарисини? Кетаркансан — нима ҳақда ўйладинг, ҳеч қачон мени ўйламайди, мени соғинмайди, қўмсамайди, тун ўтаверади тонг келаверади, ростдан ҳам кўча тўла сурат бор, сўзлар, хаёл мавжуд хаёлда денгиз, денгизда делфинлар — шуларними ўйлагандинг кетаётиб, эй, Тонг чоғи Тонгни Ихтиёр Этганим!

Қаҳвахона. Қаҳваси йўқ. Сийраклашган суратлар. Чўри қиз.

— Нима истайсиз?

— ...

Истаганингни муҳайё этадигандай. Тилла балиқча. Орол истайман. Ҳеч ким йўқ орол ва ... Эртакдан қочиб келган. Чолдан, кампирдан. Денгиздан ҳатто... Табассум.

— Нима...

— Сув...

— Бизда сув йўқ. Биздаги сувлар...

— ...келтиринг.

Келтирди. Аччиқ. Тахир. Кейин, кейин хаёл — тонг отишига ҳали бор, ҳали бор қуёшнинг қизаришига, қўшиқмас куйлаётган, йигирманчи троллейбусда, ўша бекатда, ўша уйда биттагина хона, ошхона, астагина қаралади тўшакка, бўм-бўш, ухлаб ётибди ёстиқ, ёстиқни қучоқлаб эртак эшитиш оғир, азизим, мен сени севаман, дунёдаги энг оғир жумла шу.

Аёл осмонга ўхшайдими? Аёл—ой, аёл—юлдуз, аёл... нимага бунчалар баландда ва узоқда? Аёлга интилган одам учадими?Аёл қанотми?

Қўли кўтарилди бош узра. Икки бармоқда қарс. Аёл.

— Эшитаман.

— (Эшитасан, бироқ кўрмайсан, аммо кўр эмассан. Сен сатрсан, шоир битган сатр...)—

— Сизга нима керак?

— Сув...

Тушунди.

Ўйладингки, ортиқ бир чегара борми? Умуман қани ўша чегара?

Ҳаммаси тиниқ. Ҳамма нарса тиниқ. Агар осмон қулаб тушса ҳам дарз етмас бу тиниқликка. Хаёл сурмоқ хавфли. Хаёллар оқимидаги табиийликда хатар бор, тиниқликка қаратилган хатар. Хаёллар сургун қилар ҳаммасини, бироқ сургун ҳам манзилга эмас. Ким билади.

— Эй, ким билибди дейсан, дўстим — китоб жавонига титроқ тушар, жавон — вулқон юрагига ваҳм солган динозавр янглиғ қалтирар, китоблардан сўзлар, одамлар, тарихлар Масиҳ нафасидан баҳраманд бўлгандай тирилиб чиқишар, атрофингни сайёралардай ўраб олишар ва —

Бенджамин: «— Мен замҳарир ҳидини тинглаяпман...»[1] дея шивирлар бетўхтов, бетўхтов... Тиниқлик гўё, гўё сўнгги нафаси тиниқликнинг, гўё калом.

...мажақланган мусича

мажақланган мусичанинг хаёли, йўлдан изиллаб ўтаётган аробалар, йўлдан шошиб ўтаётган одам боласининг мажақланган мусичага кўзи тушиши, йўлдан ўтиб улгурмай агар уйга эсон-омон етиб олса «Чўли ироқ»ни тинглаб йиғлаб олиши ҳақидаги режаси, йўлда нимага учрадинг, йўлга нимага чиқдинг, йўлда нимага қўндинг, йўлда нима йўқотдинг...

Кейинми?

Кейин «булар туш эмас» дея норозиланиш. Ва туш эмасликнинг бетаъбир тамғаси ярқирар пешонангда, дўстим. Қолганлари, яъни сенга очилиши гумон сирларнинг беадоқ моҳиятлари ҳақидаги сафсаталар бир пул. Эҳтимол, ёлғон эмасдир, эҳтимол, беранг бир ҳақиқатдир, ҳеч қаёққа қочиб қутулиб бўлмайдигандай, бамисоли ўлим ҳодисаси каби ҳақиқатдир. Барибир бир пул. Шундай. Рамзий эшикни очаётиб юзларига парда тортилган бир саволга дуч келаман. «Менинг дилимга азалдан қулф солинганми, Парвардигорим?» Кўзимдаги икки парча муз эрийди. Эшикни ёпаман. Хона ўртасидаги беланчакда бувим учади. Беланчак овози шафқатсиз, файласуфнинг азоб, азоб, азоб берганликлари учун қасос ҳақи тўкиган қудратли Ожиз фалсафаси каби совуқ, тунд. Бувим жилмаяди — ўпқон. Бувим йиғлайди — қон. Қаҳ-қаҳ отиб кулар ва тўрт тараф қипқизил атиргул. Тиниқлик йўқ. Агар бўлганида эди ўша тиниқлик... росту-ёлғон қолармиди дейсан, дўстим, бекўз шамоллар учадиган, ҳеч бир каломга сиғмас бу дунёда?

Қуёш ботаркан

булутлар кезаркан алвон байроқлардай

сал пастроқда эҳтимол мутлақо пастдаги тоғлар

Беманзил тоғлар

«озод бўлармидингиз қуёшни бадарға қилсак ва иккинчи вақт ўлчови ҳукмрон бирор бир ёққа сургун этсак, ойни чоғроққина гўр кавлаб кўмсак озод бўлармидингиз бир қадар, озодлик дея шодланармидингиз юлдузларни уммонга чўктирсак озод бўлармидингиз вақтни гумдон...»

Эшик очилди. Шулар ҳақида ўйлармиодам? Кирди. Кўрди. Бу кўзларнинг энг буюк ваъдаси — ЛАЗЗАТ!

— Кетишимдан олдин сизга айтувдимми?

— Йўқ.

— Айтдим деган хаёл билан...

— ...

— Киринг...

— Кирдимку...

— ...

— Дарров ўзгариб кетибсиз. Сочларингиз ҳам ўсиб кетибди.

— Тирноқларим ҳам ўсди. (Беҳаё табассум, тўғрироғи тиржайиш)

— Ўзим ҳам... соқолларим ҳатто... муттасил.

— Балки кета қолсам бўлар...

— Бўлмайди.

Кейинми, кейин ой ҳам, қуёш ҳам, юлдузлар ҳам ва муҳими манзил ҳақидаги на боши бор, на охири бор хаёллар ортиқча... Озодлик палласи...

Биринчи палла

Хуллас, ғалати тасвир. Эҳтимол, озгина олифтанамо ёки ўзингга ёққинг келса кибoрона тасвир: чойнакдаги қаҳванинг сўнгги томчиларини қаҳва юқи қотиб қолган пиёлага — ана шу овоз ёқмайди сенга, балки томирингга узун елимшлангни улаб, бошингдаги шишадан дори чакиллаб томмаганида... зотан, овозсиз, шундаям ёқмайди, чунки бу ҳолатда овоз эшитилмайди, у кўрилади — иккинчи қўлингни эса У силаб, бетўхтов ёки қайта-қайта силаб, бир нарсаларни; ҳавони, эртагани, ҳаммасини, яхшини, бўлибни, кетишини гапириб ўтирганини эслайсан. Ўшанда назарингда минг йиллардан бери ўлмаган туйғулар ростдан ҳам мутлақ собит экан-да, дея ўйлагансан. Оқибат ҳам айни, яъни туйғулар собит чиқади, собитроқ чиқди — Қўлингни Бетўхтов Силаган Махлуқдан қўра. Кейин буйруқ—хотирани йиғиштир, қаҳвани ич, шундоқ ҳам совиб қолаяпти. «Мен совиб қолаяпман» деди қаҳва.

Умуман олганда тасвирчи ва тарихчи ўртасида фарқ катта экан. Тасвир гўзал бўлиши, тарих эса... Бошланди!

Кўчани тусайди кўнглинг. Қиш кунларида ҳам, қор деса қорлиги, ёмғир деса ёмғирлиги йўқ, ишқилиб нимадир ёғиб турган оқшом, туфлингдан сув ўтиб, жунжикиб бир қиз номи билан аталадиган қаҳвахоналар — энг арзон қаҳва, энг гўзал хизматчи аёл, энг эски куй-қўшиқларнинг манзилига келасан. Таниш чеҳра. «Кўринмай кетдингиз» «Сеҳрли қалпоқ сотиб олгандим»

«Қиммат турса керак... пулингиз етдими?»

«Етди... Энди қаҳвангизни қарзга ичмайман, опа!»

«Оббо... Кўнглимиз шиша-да...

«Айтдим-да...»

«Айтманг... келаси ой кўчиб кетаяпмиз».

«Қаерга?»

«Манзилга... Болалар исташмаяпти. Отаси икки оёғини бир этикка тиқиб, «нима, ҳаммаси менга керакми» дейишдан нарига ўтмайди».

«Манзил денг... манзилни фақат ўйлаб бўлади, холос».

«Шуни айтинг... Сеҳрли қалпоғингизни бир умр кийиб юрадиган бўлибсиз-да!..»

«Йўқ, опа, мен уни сизга совға қилган бўламан...»

«Раҳмат...»

Қаҳва. Ана шу суҳбат. Юки оғир суҳбат. Опахон алдамаган экан. Ҳозир бу қаҳвахонада... бунинг алоқаси йўқ давомийликка. Келажакни эса фақат тасаввур этиш, манзилни эса, манзилни... билмадим.

Иккинчи палла

«Ассалому алайкум, Азизим!

Гарчанд иккимизнинг ўртамиздаги масофа уч-тўрт чақирим бўлса-да, ғалати бир табиийлик билан айтадиганим, сен ҳам, мен ҳам манзилда эмасмиз. Бунга мен кеча кўрган тушимнинг ҳосиласи — тонгда битилаётган мана шу сатрларни ёзаётиб яна бир карра амин бўлдим. Тушимда сен у ердан, мен бу ердан поездга ўтирибмиз. Сен ҳам, мен ҳам манзилга ошиқарканмиз. Қаердадир ўрталикда, сен ва мени гўёки манзилга элтаётган поездлар ёнма-ён ўтиб қолибди. Сен мени, мен сени, кўзларингни, тун тунайдиган сочларингни кўриб қолибман. Атиги бир лаҳза... Ёлғизгина лаҳза: Манзил эса ана шу лаҳзада экан... Аламми, бахтми бу — билмадим, барибир бу лаҳзада яшаб бўлмаслиги ҳам ҳақиқатдир.

Сенинг Беманзилинг».

Хат-ку ёзилар, жойланар қоғозўрамга ва битилар манзил узоқдан узоққа... Стол устидаги кулдон ёнида, пиёла остида унутилар, кун ўтар, ойлар, йиллар кечар ва деразанинг очиқ кўзидан шамол олиб кираяжак ғуборлар қор янглиғ ёғаверар, «ердан ёққувчи қор» каби қоплайверар хатнинг бетини, аммо хаёл қарирмиди, азизим? Хаёлга ўтармиди Вақтнинг ҳукми? Ҳукми ўтажакми Вақтнинг Хаёлга? Хаёл — Вақт — Ҳукм!

### БАЁН

Орадан шунча вақт ўтибди. Тарихан минг йил, тасвиран бир лаҳза. Ҳамма битмоқчи бўлганларимни шафқатсиз қисқартирганимга қарамай ҳеч нарса ўзгармабди. На манзил ҳақидаги хаёл, на дунёдаги энг оғир жумла. Мен Сени Севаман.

1. Уильям Фолкнер, «Ғазаб ва ғалаён».

*Мусаввир устахонасида*

# РАНГ — РАССОМ ФИКРИНИНГ ИФОДАСИ

***Буюк Соҳибқирон юбилейи муносабати билан кўпгина рассомлар турли мавзуларда асарлар яратдилар. Мавзунинг қандайлигидан қатъий назар ҳар бир ижодкор бирор янгилик айтишга, ўзига хос асар яратишга интилди. Рассом Эркабой Машарипов «Амир Темурнинг Тўхтамишхон билан жангдаги ғалабаси» асарини яратди. Санъатшунослик фанлари номзоди Абдували Эгамбердиев рассом устахонасида бўлиб, у билан шу асар хусусида суҳбатлашди.***

— Мен Амир Темурнинг Тўхтамиш билан жанги мавзуини танлаб, Тўхтамишнинг таслим бўлиш ҳолатини картинамнинг сюжети қилиб олдим. Е. Моисеенкога шундай савол беришган экан: «Сиз иккинчи жаҳон урушида бўлгансиз, лекин гражданлар урушида бўлмагансиз. Ваҳоланки, барча асарларингиз гражданлар урушига бағишланган». Шунда Моисеенко: «Сезиш, ҳис қилиш керак, кўриш шарт эмас» — деб жавоб беради. Мен ҳам асосан сезгига суяниб ишладим. От тасвири Темур давлатини англатади. Отда катта куч сезилиб туради. Булутлар орқали ҳам шу кайфиятни ифода этишга интилдим. Шу ҳолатлар образни кучайтиришга хизмат қилади. Ўнгдаги гуруҳда туркий халқларнинг прообразини ифодалашга интилдим. Кийимлар орқали кишилар характерини бермоқчи бўлдим. Ҳар бир рангнинг рамзий маъноси бор. Масалан, қизил ранг раҳм-шафқат тимсоли, Тўхтамиш образидаги кўк кийим унинг яхши ишларига нисбатан қўлланган. Сариқ ранг қуёшга, осмонга яқин ҳолатда иссиқ кўринишда. Фонда ёруғ чанг туси кўзга ташланади, бу отлардан кўтарилган чанг-тўзон. Хуллас, кийимлар ҳам ҳар бир инсон характерини очишга хизмат қилади. Унинг қайси табақага мансублигини, жамиятда тутган ўрни ва ҳоказоларни билдиради. Ўша давр руҳини беришда кийимлар кўриниши асосан миниатюраларга асосланиб олинди.

**— Эркабой, ижодингизни кузатиб, шунга амин бўлдимки, сиз классик рассомлар ижодини яхши билибгина қолмай, уларнинг ишлаш услуби, руҳи, ранглар қоришмасидан ўзига хос услуб топа олиш сирларини ўргангансиз. Икона асарларидан ёзган нусхалар, Левитан, Саврасов, Малявин, Поленов изланишларидан кўчирилган ишларингиз шундан далолат беради.**

— Сиз тилга олган рассомлар қатлам-қатлам ранглар берадиган эффектни, ҳар бир қиёфани қандай ёзишни чуқур ҳис қилганлар. Нусха кўчиришнинг ҳам йўли бор. Агар нусха сотиш учун қилинса, олувчини қандай бажарилганлиги эмас, балки унинг асли билан айнанлиги қизиқтиради. Ҳар бир картинанинг нусхасини олганда битта мақсад кўзда тутилади. Мақсад бўлмаса, бундай фаолиятдан санъатига ҳам, ўзига ҳам фойда йўқ. Бинобарин, ҳар қандай асардан нусха кўчиравермаслик керак. Бу ҳам ҳеч нарса бермайди. Репин кўплаб нусха кўчириш фойдали эканини айтган. Ван Гог ҳам ўзидан олдин ўтган рассомларнинг иш жараёнидаги ҳолатини худди натурадан ишлаётгандай ўрганган.

Кўп нусха кўчиришдан мақсад — ўрганиш.

**— Ҳар бир рассом ўзига хос дунё, қайтарилмас шахс ва ижодкор. Лекин кейинги пайтларда кўргазмаларда мавзу, тасвир, талқин, ҳажми жиҳатидан бир-бирига ўхшаб кетадиган зерикарли асарлар кўпайиб қолди. Айниқса, ранглар ва уларнинг ишлатилиши борасида камчиликлар кўп кўзга ташланади. Ахир, асарнинг қони ва жони ранг ҳисобланади-ку.**

— Тўғри, рассом фикрини беришда ранглар асосий рол ўйнайди. Айниқса, бош қаҳрамон ранги асосида бошқа ранглар белгиланади. Картинадаги бошқа образлар асосий қаҳрамон қиёфасини очиши керак.

Рассом хаёлидан ўтган фикрни шакллар, ранглар орқали тўлиқ беролган бўлса, томошабин уни англаб олади. Ҳар бир ранг, ёруғ—соялар картина мазмунини очишга ёрдам бериши керак. Ранглар бир-бирини тўлдириб, ўз ўрнига тушиб бориши лозим. Асосий қаҳрамон яхлит ҳолда умумий рангларга қўшилиб, шунингдек, урғу бериб туриши керак. Агар умумий ранглар билан узвийлик бўлмаса, мазмун очилмайди. Рассом мавзуни ич-ичидан ҳис этиб қўлига мўйқалам олса, ҳақиқий гўзал картина яралади. Шундай асарнинг умри узоқ бўлади. Ҳар бир рассом чизаётганда биринчи ҳиссиётни доимо сақлаб қолиши керак. Агар шу ҳиссиёт ўчиб қолса, у ҳолда картинани давом эттирмагани маъқул. Асарда рассомнинг ҳис-туйғуси, энергияси сезилиб турмаса, уни бўш асар деб ҳисоблаш лозим. «Ёзаётганимда телбаларча ҳолатга кираман», — деган экан бир рассом.

**— Темур ҳақидаги картинага қайтсак. Композицияни сиз Темур ва Тўхтамиш ўртасидаги диалог асосига қургансиз. Бошқа образлар, персонажлар шу икки марказий қаҳрамонларни тўлдиради. Асар, назаримда, мазмунан йўналиши, композицион тузилиши, катта ҳаётий маънони қамраши ва яна қайсидир жиҳатлари билан Рембрандтнинг «Адашган ўғилнинг қайтиши» композициясига ўхшаб кетади. Табиат ҳолати, аскарлар кайфияти, атроф-муҳит, Турон заминидаги шу икки кучнинг икки хил тақдири, қисмати, менимча, сизни картина ишлашга ундаган. От образидаги шижоат унинг жиловини қўлида ушлаб турган шахснинг чексиз имконияти, куч-қудратидан, шавкатидан далолат беради.**

— Тўғри, Темур қурган давлат унинг остидаги от орқали сезилиши керак. Зеро, от оёқларини заминга маҳкам тираб турибди. Ҳар икки образ турли руҳий ҳолатда. Улар кечаётган ҳолатдан ўзларича хулоса чиқариш кайфиятидалар. Бу ерда динамик диалог, психологик диалог бўлиши кўзда тутилди. Рассом мўъжиза яратувчи санъаткор. Агар мўъжиза яратмаса, демак унинг санъаткорлиги ёлғон.

Анчадан буён академик услубда, реалистик ҳолатда картина яратиш ниятим бор эди. Бу мавзу ана шу ниятимни юзага чиқаришда ёрдам берди. Тўхтамиш образи устида жуда кўп изландим. Таслим бўлсада, ундаги катта кучни, Темур қаршисида унинг туриш ҳолатини топишга кўп уриндим. Душман бўлса ҳам қаҳрамонда мақсад бўлади, яхшими, ёмонми, шу мақсадни амалга оширишга умрини сарф қилади. Темурда туркий халқларни бирлаштириш, Тўхтамишда феодализм даври руҳи, бўйсундириш, солиқ тўлаш, ҳукмдорлик қилиш ўстивор. Тўхтамишда енгилганини тан олиш, лекин таслим бўлмаслик ҳолати, қарама-қарши ҳиссиётлар мавжуд. Темур фонидаги баланд, кескин тоғлар ниятининг улуғлиги, фикрларининг юксаклиги белгиси. Булутлар ғоя тимсоли. Қора булутлар йўқолаяпти. Нур тушган осмон яхши ниятлар, яхшилиқ аломати. Умуман, рассомнинг нияти аниқ сезилиб туриши керак. Ҳар бир предметнинг, қиёфанинг ҳолати шу ниятни очишга хизмат қилиши лозим.

# ЭЛЛИГИНЧИ БЕКАТ БОШИДА...



Ғанижон аканинг ўзини ҳам, умрини ҳам қўшиққа ўхшатгим келади. Зеро, қўшиқни кексаю ёш бирдек севади. Инсон борки, оҳангдан қалби тўлқинланади. Қўшиқ одамларни бирлаштирувчи буюк кучга ўхшайди.

Ғани Холиқов ижодий йўлини эстрада санъатида жуда эрта бошлади. Мусиқа мактабида ўқиб юрган чоғларидаёқ, эстрада театрига бориб репетицияларни тинглар, хонанда ва созандаларнинг ижрочилик ва оранжировка сирларини ўрганар эди. Мана шу йилларда унинг «Марғилон», «Тўнғич ғунча», «Лолам», «Тонгда» каби дастлабки лирик қўшиқлари яралди. Унинг консерваторияда ўқиб юрган йиллари яратган «Сен учун», «Мажнунтол», «Сеҳри бордир», «Гулчеҳра» каби қўшиқлари эстрада хонандалари Юнус Тўраев, Раъно Шарипова, Наталя Нурмуҳамедовалар томонидан ижро этилиб, оммалашиб кетди. Композиторнинг талабалик йилларидаёқ яратилган «Жиззах — 1916 йил» симфоник поэмаси, романс, фортепиано асарлари кўпчилик машҳур санъаткорлар эътиборини тортди.

1958 йили ташкил этилган ўзбек эстрада оркестри ва унинг раҳбари, беқиёс овоз соҳиби Ботир Зокиров санъати Ғани Холиқовга катта таъсир кўрсатди, унинг ижодида ўзига хос бурилиш ясади. Композитор Ботир Зокиров билан Ўзбекистонда биринчи марта Мюзик-Хол ташкил этишда бевосита ижодий ҳамкорлик қилди. Ботир Зокировнинг ташаббуси билан яратилган янги йўналишдаги «Синдбоднинг еттинчи саёҳати» театрлаштирилган томошасига етук бастакорлар билан бир қаторда, консерватория талабаси Ғ. Холиқов ҳам куй ёзишга таклиф қилинди.

1974 йили консерваторияни муваффақиятли тугаллаган Ғ. Холиқов Ю. Ражабий номидаги вилоят мусиқали ва драма театрига бош дирижёр этиб тайинланди. Бу даврга келиб унинг ижоди янги поғонага кўтарилди. Ботир Зокиров номидаги эстрада қўшиқчиларининг биринчи танлови очилишига бағишлаб шоир З. Обидов шеърига ёзилган «Куйла, Ботир» қўшиғи мухлислар томонидан яхши кутиб олинди.

Ғ. Холиқов йирик саҳна асарларига ҳам мусиқа басталади. Хусусан, Х. Расулнинг «Қайсар қайнона», Ўлмас Умарбековнинг «Ўз аризасига кўра», Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи», Комил Авазнинг «Телбалар» асарларига ёзган мусиқалари саҳнада муваффақиятли ижро этилди.

Композитор кейинги йилларда қўшиқлар устида изланишлар олиб бормоқда. Тўлқин шеърига басталаган «Кўзлари чўғ», Нормурод Нарзуллаев, Туроб Мақсуд, Илҳом Ҳамро шеърларига басталаган қўшиқлари шулар жумласидандир.

Санъаткор Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг миллий эстрада оркестри, хор жамоаси билан ҳам бевосита ижодий ҳамкорлик қиляпти. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Козим Қаюмов, Гулбаҳор Сулаймонова, Озода Назарова, Муҳаббат Ғафурова, Шавкат Тошматов, Нодира Раҳимовалар бастакор яратган қўшиқларни меъёрига етказиб ижро этмоқдалар. Ғ. Холиқов томонидан қайта ишлаб сайқаллаштирилган ўзбек халқ қўшиқлари, эстрада оркестри учун мослаштирган «Қаринаво», «Яли—яли», «Соқиномаи баёт», «Она диёрим» каби асарлари, ўзбек халқ оҳангларида яратган 20 та туркум миниатюраларини санаб ўтиш жоиз.

Ғани Холиқов фаол жамоатчи ҳамдир. У Жиззахдаги санъат билим юртини ташкил этишда фаол қатнашди, бир неча йил шу даргоҳга раҳбарлик қилди. Ҳозир Ботир Зокиров номидаги Жиззах санъат билим юртида ёшларга мусиқа сирларидан сабоқ бермоқда. Изланувчан санъаткор, Ўзбекистон композиторлари уюшмаси аъзоси Ғ. Холиқов бугун умрининг эллигинчи симфониясини ёзмоқда. Ҳали олдинда қиладиган ишлар кўп.

**У. УМАРБЕКОВ**

*Юнус РАЖАБИЙнинг 100 йиллиги*

# УСТОЗ ҲАЁТИДАН ИККИ ЛАВҲА



***Ўзбекистон телерадиоси. Юнус Ражабий тузган мақомчилар ансамбли. 1958 йил.***

Юнус ака билан 1965 йили танишганман. Унгача у кишини матбуот, радио ва телевидение орқали билардим. Юнус аканинг меҳнаткашлиги мени қойил қолдирарди. Хизматга ҳаммадан аввал келиб, мақомчилар билан бирга қайтарди. Мен ўзимча: «Бу киши Юнус Ражабий деган аллома бўлсалар, ишга ҳар куни келишлари шартмикин? Ҳафтада бир-икки кун келсалар ҳам бўлади-ку», — деб ўйлардим. Фикримнинг нотўғрилигини кейин англадим. Бир куни «Шашмақом»нинг янги шўъбасини магнитофон тасмасига ёзиб олиш учун студия жадвалини айтиш мақсадида мақомчилар ансамбли хонасига кирдим. Репетиция авжида эди. Юнус ака менга: «Бир дақиқа ўтириб туринг, ҳозир, шуни тугатиб...», — дедилар куйланаётган мақомни давом эттириб.

Шу чоқ хонандалардан бири усулдан чиқиб кетди. Домла мақомчиларни шартта тўхтатдилар. Дуторни тиззаларига қўйиб шундай дедилар:

— Ўртоқлар, кўзим тириклигида шу мақомларни шираси билан ўрганиб олинглар. Нотада ёзилганида нозик пардалар, қочиримлар бўлмайди. Нотага мақомнинг қуруқ устихони тушади. Овоздан ўрганган бошқа гап. Мени ҳам сизларга боғлаб бергани йўқ. Ёшим етмишга чиққан бўлса, нари борса, яна ўн йил яшарман. Мақомни биладиганларнинг кўпи боқий дунёга йўл олганлар. Афсус, улар кўп нарсани ўзлари билан олиб кетдилар. Билганларимни олиб қолинглар.

Мақомчилар устозни диққат билан тинглагач, машқни яна давом эттиришди. Қарангки, Юнус ака саксон ёшларида вафот этдилар.

***

Биз — мусиқа ёзиш таҳририяти ходимлари 1966 йилги зилзиладан кейин Андижонга ижодий сафар қилиб, театр артистлари ва ҳаваскорлар ижросида магнит тасмасига янги қўшиқлар ёзиб келдик. Бу ёзувлар орасида андижонлик машҳур хонанда Фаттоҳхон Мамадалиев ижро этган «Сарахбори оромижон» ҳам бор эди. Мақом йўлидаги қўшиқларни, албатта, Юнус акага эшиттирардик. Шу ашулани тинглаганда Юнус ака:

— Барака топсин, жуда меъёрига етказиб айтибди. Берта ҳам, мен ҳам шу ашуланинг авжини яхши ололмаган эдик. Бу хонанда эса уддалабди, — деб София Бухараевага юзландилар.

— Софияхон, буни ҳамма мақомчиларга қўйиб эшиттиринг. Улар Фаттоҳхондан мақом айтишни ўрганишсин. Мақомчи йигитлар дангаса бўлиб кетишган, ўз устиларида жуда кам ишлашади. Бошига оқ қалпоқ кийгазиб қўйса, ошпаздан фарқи йўқ, буларнинг, — деб кулиб қўйгандилар.

**Ҳайдар МУҲАММАД**

*Ёднома*

# ҲАЁТДА ҚОЛГАН ИЗЛАР

Бугун сўз юритмоқчи бўлган санъаткоримиз ўзидаги бор истеъдодни намоён этишга улгурмаган, бамисоли чақмоқ каби бир ёрқин нур бериб, нималарга қодирлигини кўрсатиб кетган, бор-йўғи 30 баҳорни кўрган кучли истеъдод соҳиби Наримон Латиповдир. Бизнинг авлод бу актёрни кўришга мушарраф бўлмаган. Лекин у ҳақда эшитганмиз, унинг ўзига хос, ноёб, бетакрор овозини тинглашга мушарраф бўлганмиз. Наримон Латиповни кўрган, билган, бирга ишлаганлар у ҳақда катта меҳр-муҳаббат, чуқур соғиниш билан ҳикоя қиладилар.

Н. Латипов театр актёри дипломини олгач, Ҳамза номидаги театрда иш бошлади. Дастлаб спектаклларда ушоқ роллар ижро этди, кейинчалик ўнлаб образлар яратди. «Пушаймон», «Алишер Навоий», «Фурқат», «Ҳамлет» каби спектакллар шулар жумласидандир. 50-йилларнинг охири 60-йилларнинг бошларига келиб актёр кино экранида ҳам кўриниб қолди. Лекин, бизнингча, унинг ноёб истеъдоди дубляж филмларида яққол намоён бўлди. Бу актёрнинг овози филмларга ўзгача руҳ бағишлади. У ўша кезларда ўзбек тилига ўгирилган деярли барча филмларда қатнашди. Бу филмлар орасида «Одам-амфибия»даги Ихтиандр, «Жўра»даги Жўра, «Дон қиссаси»даги мусиқачи каби филм қаҳрамонлари бор. Дубляжда унга партнёр бўлган актриса Дилбар Исмоилованинг айтишича, Наримон Латипов қайғули эпизодларга овоз берганда бутун вужуди билан ролга киришиб, чинакамига йиғлар экан. Умуман, уни жуда таъсирчан, ҳиссиётли инсон сифатида эслайдилар. Дарҳақиқат, филмлардаги қаҳрамонларнинг севгисини, бахтли онларини, изтиробларини таъсирчан ифодалаб, томошабинга етказиб беришда актёрнинг кучли эҳтироси яққол сезилиб туради.

Ниҳоят, 1962 йили режиссёр Шуҳрат Аббосов томонидан суратга олинган «Сен етим эмассан» филмида Ботир исмли солдат йигит образини яратди. Филм пировардида 14та болани асраб олган Акрамовларнинг тўнғич ўғли Ботир урушдан қайтади. Ногирон йигит қўлтиқ таёқда, ёнида эса немис боласи — яна бир уруш етими. Йирик планда актёр Н. Латипов — Ботирнинг кўзларида ота-онасига бўлган соғинчни, меҳрни, бир вақтнинг ўзида кўпайишиб қолган ука-сингилларига қувончни кўрамиз. Шу бир кадрнинг ўзидаёқ у томошабин ёдида қолади.

Шундан кейин яна бир неча филмларда суратга тушди. Айниқса, «Осиё устида бўрон» филмидаги Азиз, «Самолётлар қўнолмади» кинодрамасидаги жўшқин эрксевар йигит, «Машаққатли йўл»даги шофёр образлари унинг ранг-баранг характерлар яратишга қодирлигини кўрсатди. «Қалбингда қуёш» филмида эса уруш қатнашчиси, кузи ожиз Муроднинг ёрқин образи устида ишлади. Хотинининг бевафолигини сезиб азоб чеккан кечаги жангчининг ҳаётини ғоят ҳаққоний кўрсатиб беради. Актёр қаҳрамонининг қалбида юз берган ўзгаришларни, унинг изтиробларини ифодали ва таъсирчан деталларда намойиш этади.



Наримон Латипов бир-бирига ўхшамайдиган турли характердаги образларни яратди. Муҳими, у яратган образларда саҳий ва кучли, иродали Наримонга хос инсоний фазилатлар ҳам мужассам эди. Ёш санъаткор ниҳоятда тиришқоқ, ўзига талабчан бўлган-у, лекин ҳар доим ҳам унинг омади чопавермаган. Аммо шунга қарамай, кинога бўлган муҳаббати сўнмаган.

«Шунақанги бир рол келсада, бутун дардингни шу рол орқали ифода этсанг», — дер экан актёр дўстларига. Наримон ўз орзуларини, ҳаётдаги қувончи ва ташвишларини, кундалигига ёзиб қолдирган. Ўйналмаган, насиб этмаган роллари ҳақида ҳам куюниб, армонли сўзларни ёзган. 1963 йили Наримонни Абдуллатиф ролига («Улуғбек юлдузи» филми) таклиф қилишган. Бу ҳақда кундалигида шундай сатрлар бор:

«1963 йил. 18 июл. Пайшанба.

Хушхабар келди. «Улуғбек юлдузи»га синаб кўришмоқчи бўлишди. Қандай бўларкин-а? Жуда-жуда ўйнагим келаяпти...»

«...1963 йил. 22 август. Пайшанба.

Студияда бўлдим. Эртага келинг, синаб кўрамиз, дейишди. Нима бўларкин-а? Ҳаяжондаман...»

«...1963 йил, 23 август. Жума.

Синаб кўришди. Негадир шошилтиришди. Пировардида ўйлаганим чиқмади».

«...1963 йил, 4 сентябр. Чоршанба.

Ура! Мени ҳамма табриклаяпти. Синовдан ўтибман. Ҳаётимнинг энг бахтли куни бўлса керак бугун! Абдуллатиф ролини ўйнаш катта бахт-да. Ишончларини оқласам бўлди...»

«...1963 йил, 9 сентябр. Душанба.

Латиф Файзиев яна мени ишонтиргандек бўлди. «Улуғбек»ни режиссёрлик сценарийсини берди...»

«...1963 йил, 10 сентябр. Сешанба.

«Улуғбек» гуруҳи актёрларини синаб кўрмоқчи бўлишди. Актёр Гадоевни Абдуллатиф ролига синаб кўришмоқчи бўлишди. Энди нима бўлади?»

«...1963 йил, 12 сентябр. Пайшанба.

Павилонда бўлдим. Орзуларим ушалишига ишонч қолмаяпти. Жуда хавотирдаман...»

«...1963 йил, 17-26 сентябр кунлари.

Мени олишмади.
Гадоев суратга тушаяпти.
Бунисига ҳам кўникаман.
Ўлганим йўқ-ку. Юрибман».

Суратларга тушган, сценарийлар билан танишган, Шукур Бурхонов, Урбанский каби кучли, эҳтиросли қаҳрамон ҳолатини ўзида ҳис этиб ўйнай олиш қобилиятига эга бўлган актёрга номаълум сабабларга кўра Абдуллатиф ролини беришмаган. Наримон бу воқеани юрагига яқин олган.

...Режиссёр А. Хачатуров ишлаган «Виждон амри» филмидаги Содиқ образи Наримоннинг сўнгги ижроси бўлди. Бу филм 1965 йил Тошкент-Ангрен йўлида суратга олинаётган вақтда Наримон икки чўкаётган қизни қутқариб ҳалок бўлган, дейишади. Ижодининг илк палласи бошланган бир даврда ҳаётдан бевақт кўз юмди. Унинг қанча-қанча орзулари армон бўлиб қолди. Лекин, барибир, нима бўлганда ҳам Наримон Латипов бахтли ижодкор. Ниҳоятда қисқа умр кўриб, озгина иш қилганига қарамай, ҳаётда, санъатда ўзининг бетакрор изини қолдиришга эришди. Оз яшаса-да, халқининг, санъаткорларнинг юрагида қоладиган образлар яратиб кетди.

Наримон Латипов яна қанча хилма-хил ролларни ижро этиши мумкин эди...

**Шоира ИБРОҲИМОВА**

# «ҲАМЗА»НИНГ КУМУШИ

Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг актёри Шоҳида Исмоилованини томошабинлар телевидение орқали намойиш этилаётган «Домла» видеофилми орқали яхши танийдилар. Видеофилмда у Сожида Исмоилова ролини ижро этмоқда.

Аслида Шоҳидахон «ойнаи жаҳон» томошаларида энди кўринаётгани йўқ. Республикамиз театрларида бир қанча ўзига хос образлар яратиб, санъат шинавандалари, талабчан устозларининг меҳрини қозонган умидли ва истеъдодли актёр сифатида аллақачонлар танилган.

Кўпчилик ижодкорлар каби Шоҳидахонда ҳам санъатга муҳаббат жуда эрта уйғонди. Пойтахтдаги ўзи ўқиган мактаб саҳнасида қўйилган илк инсценировкаларнинг дастлабки томошабинлари синфдош ўртоқлари бўлди. Айниқса, қўшиқ унинг жону дили эди. Келажакда яхшигина хонанда бўлишни орзу қиларди. Бироқ 1976 йили М. Уйғур номидаги Санъат институти остонасига қадам қўйиб, имтиҳон пайтида институт ўқитувчиси Турсунбой Исроилов билан учрашгандан кейин санъат йўлидаги ҳаёти бутунлай бошқа издан кетди. Бўлажак устози унда драматик қобилият куртаклари яширинганини ҳис қилади ва актёрликка ўқишга ундайди.

Севинч ва ташвишларга тўла талабалик йиллари ҳам ортда қолди. Институтнинг драма ва кино актёри бўлимини имтиёзли диплом билан тугатган Шоҳидага отахон Ҳамза театрига йўлланма берилди. Бироқ кўпчилик курсдошлари Аброр Ҳидоятов номидаги театрга йўл олганлиги боис у ҳам ўз ижодий фаолиятини шу даргоҳда, театрнинг ўша пайтдаги бош режиссёри Бахтиёр Ихтиёров устозлигида бошлашни лозим топди. Бу театрдаги ижоди давомида бир қатор эсда қоларли образлар яратишга муваффақ бўлди. «Тўйлар муборак»даги Дилафрўз, «Отасининг қизи»даги Наргиз ва бошқалар уни ўзига хос актёр сифатида танитди.

Бироқ катта санъат мактабида тобланиш истаги уни Ҳамза театри жамоасига чорлайверди. Мана ўн йилдирки, Шоҳидахон академик театр саҳнасида фаолият кўрсатмоқда.

Шоҳида Исмоилова ўзи яратаётган образларнинг ички оламини, қалб гўзаллигини чуқурроқ очишга ва қаҳрамонларининг изтиробларини табиий, ҳаётий кўрсатишга катта аҳамият беради. Ўзбек романчилигининг отаси Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романининг саҳна талқинида Кумуш ролини биринчи марта саҳнага олиб чиқиб, гўзал, латофатли, оқила ва дилбар ўзбек қизларининг тимсолига айланган бу образ қирраларини очишга ўз ҳиссасини қўшди. Кумуш узоқ вақт томошабинлар ёдида сақланиб қолди. Шунингдек, «Юлдузли тунлар»даги Хонзодабегим, «Меҳробдан чаён»даги Гулшан, «Отелло»даги Дездемона, «Жар»даги Тоня образлари актёрни камолот пиллапоялари сари етаклади.

Турли характердаги, зиддиятли, ўткир драматик ролларни ижро этиш актёрдан катта маҳорат талаб этиши сир эмас. Ш. Исмоилова серқирра ижодкор. У аччиқ тақдирли қаҳрамонлар образига ҳам, салбий ёки комик образларга ҳам қалб тафтини беришга интилади. Бу жиҳатдан, айниқса, Тоня образи характерлидир. Ш. Исмоилова чиркин муҳитга тушиб қолган, охир-оқибатда ўзининг мудҳиш кўчага кириб қолганини англаб етиб, аянчли қисматидан изтироб чеккан аёл фожиасини ҳаётий беролган. К. Гоццининг «Бахтли гадолар» асари асосидаги спектаклда Анжелика, Ҳ. Муҳаммаднинг «Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома»сидаги Саломат образлари ҳам актёр ижодий солномасида ўзига хос ўрин тутади.

Театр ва драматургия тарихида аниқ бир актёрни назарда тутиб битилган асарлар учраб туради. Ф. Богдановнинг икки киши ижросига мўлжалланган «Тунги меҳмон» асари гарчи маълум актёрларни назарда тутиб ёзилмаган бўлса ҳам, Шоҳидахон ҳамда унинг ҳаётда ва саҳнада доимий ҳамроҳи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Исмоилов учун атайлаб ёзилгандек таассурот қолдиради. Аччиқ ёлғизлик мавзуидаги ушбу асардаги йигит ва қиз образлари ҳаққонийлиги ва ҳаётийлиги билан томошабинлар ёдида қолди.

Ш. Исмоилова аччиқ тақдирли аёллар образининг маҳоратли ижрочисидир. «Алла» спектаклида актёр саҳнада бор-йўғи беш дақиқача кўринади. Лекин шу қисқа муддат ичида у фарзандсиз аёл изтиробларини очиб бера олган. Телеэкранда намойиш қилинаётган «Домла» видеофилмида ҳам Шоҳидахон тирноққа зор аёл образини ижро этмоқда. Лекин кулфати бир хил икки аёл образи талқини бир-биридан кескин фарқ қилади.

«Домла»даги Сожидада ички изтироб кучли, у фарёд чекмайди, йиғламайди. Унинг қалби фарёд қилади, ўртанади. Фикримизча, тезкорлик билан «бир нафасда» яратилаётган сериалларда эсда қоларли образ яратиш анча мушкул иш. Бироқ Шоҳидахон ижросидаги Сожида сериалдаги энг яхши образлардан десак, хато бўлмас.

Шоҳидахон уч фарзанднинг онаси, тинч-тотув оиланинг бекаси эканлигига шукроналар айтади. Оила ҳақида унинг ўз қарашлари бор. «Оила дунёдаги энг муқаддас нарса, — дейди у, — ота-боболаримиз «оила бир девор, унинг ортидаги воқеалар ўзгалардан сир тутилмоғи лозим», деб бежиз айтмаганлар. Мен оилани пок сақлашни Ватанга муҳаббатнинг дебочаси деб биламан».

Бугун саҳнада ўз ўрнини топиб, мухлисларига эга бўлган бу актёр саҳна сирларидан воқиф этган устозларидан чексиз миннатдор. Саҳнадаги каби ҳаётда ҳам ўйчан, мулоҳазали бу дилбар аёлни гоҳ радиода, гоҳ телевидениеда янги образ яратиш орзусида юрганини кўрамиз. Ҳар бир актёр такрорланмас бир олам. Ўзининг яширин имкониятларини рўёбга чиқара олган актёрдан бахтли киши бўлмаса керак. Актёрнинг чеккан бутун машаққатлари, изланишлари, қийналишлари саҳна ортида қолади.

Албатта, ҳар бир одам орзу билан яшайди. Шоҳидахондан бу ҳақда сўраганимизда шундай деди:

— Ушалмаган орзуларим кўп. Бироқ мақсад-ниятларим армонга айланишидан қўрқаман. Шунинг учун сир бўлиб қола қолсин.

Камтарин ва истеъдодли актёрга «Илоҳим, орзуларингиз йўлдошингиз бўлсин, такрорланмас образлар билан томошабинларни хушнуд этаверинг» деймиз.

**Замира ЛАТИФЖОН қизи**

